

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ**

КЕНЖАБОЕВ ШОКИР АБДУЛҲАЛИМОВИЧ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(биология, зоология ва анатомия фанлари мисолида)**

13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кенжабоев Шокир Абдулхалимович

Умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш усуллари
такомиллаштириш (биология, зоология ва анатомия фанлари мисолида).....3

Кенжабоев Шокир Абдулхалимович

Совершенствование методов преподавания английского языка в
общеобразовательных школах (на примере предметов биологии, зоологии и
анатомии).....21

Kenjaboyev Shokir Abdulxalimovich

Improving english teaching methods in secondary schools (on the example of biology,
zoology and anatomy).....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ**

КЕНЖАБОЕВ ШОКИР АБДУЛҲАЛИМОВИЧ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(биология, зоология ва анатомия фанлари мисолида)**

13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида PhD.03/30.12.2019. Ped.78.03 рақам
билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиалида
бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг
веб-саҳифасида (www.svmitf.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худайкулов Хол Жумаевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудов Юсуп Ганиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Ахрарова Фотима Бахромовна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент
филиали ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражалар берувчи PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир
марталик илмий Кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади.
(Манзил: 111801, Тошкент вилояти Зангиота тумани Ўртаовул Қ.Ф.Й, А.Темур кўчаси Тел:
(99855) 503-07-59; email: svmi.tfiyandex.ru, www.svmitf.uz).

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиали
Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№____ рақами билан руйхатга олинган). (Манзил:
111801, Тошкент вилояти Зангиота тумани Ўртаовул Қ.Ф.Й, А.Темур кўчаси Тел: (99855) 503-
07-59; факс: (99855)5030779).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси)

Б.К. Мадартов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор

М.Э. Ғойипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, в.ф.ф.д., (PhD)

С.И. Мавланов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, в.ф.д.,

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўпгина таълим ва тадқиқот муассасаларида хорижий тилларни ўқитишни замонавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Замонавий илм-фан ривожланишини, одатда, фаол халқаро алмашинувсиз тасаввур этиш қийин. Хорижий тилларни билиш - турли халқларнинг ўтмишига кириб бориш, уларнинг ҳозирги билимини, келажагини олдиндан кўра олиш, жаҳон маданиятига оид асарларни ўрганиш ва қадрлашга ёрдам беради. Бу миллий чеклов ва торликни бартараф этишнинг самарали воситаларидан бири - инглиз тили ўрта ва олий таълимнинг мажбурий қисми ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ҳамда давлатимизнинг турли давлатлар билан халқаро алоқалари ўсиб, мустақамланиб, кенгайиб бораётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу эса, ёш авлоднинг хорижий тилларни ўзлаштиришида муҳим роль ўйнайди. Шу муносабат билан умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш биринчи навбатда таълим-тарбиявий жараёнларни ривожлантирувчи мақсадларига амал қилмоқда. Таълим ва тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларни амалга оширилиши ўқувчиларнинг замонавий таълим ресурсларини, амалий кўникма, малака ва компетенцияларни эгаллаш жараёнида хорижий тилларни ўқитиш бўйича фанларнинг долзарб вазифалари амалга оширилади.

Мамлакатимизда таълим тизимида ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш юзасидан улар барча ўқув фанларини ўқитиш билан таъминланмоқда. Ҳар бир ўқув фанининг таълим жараёнига қўшган ҳиссаси унинг самарадорлигига хизмат қилади. Умумтаълим мактаби таълимини ривожлантириш миллий вазифа, умуммиллий ҳаракат бўлиши керак. Таълим соҳасида замонавий тизим яратиш, ўқитиш усуллари, бунда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, миллий анъана ва қадриятларга таяниш муҳим ҳисобланади. Умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш усуллари ўрганиш, ҳозирги босқичда уни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш бу соҳани ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали, кадрлар тайёрлаш бўйича узлуксиз таълим тизimini яратиш чоратадбирлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 апрелдаги “Умумтаълим мактаблари учун муқобил дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш механизмини жорий

этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 281-сон қарори ва 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”¹ги қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни самарали амалга ошириш мақсадида қарор қилди. Шунингдек, ушбу соҳага оид бир қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий, жамиятни маънавий-ахлоқий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантиришда ва уларни амалга ошириш йўллари ҳақида” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш услублари бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг алоҳида масалаларини ўрганишда илғор тажриба ва анъаналар тўпланган. Бу борада маҳаллий олимлардан Д.Р.Джуманова, О.В.Абдувалиева, Г.С.Собирова, Ғ.Ш.Тажибоев, Р.А.Зарипова, Д.А.Абидов, Ж.Ж.Жалолов, Т.К.Саттаров, Г.Т.Махкамова, Л.Т.Ахмедова, Р.А.Азизхонова, М.Ж.Джусупов, Д.У.Хошимова, Х.С.Муҳиддиноваларнинг олиб борган тадқиқот ишлари эътиборга молик ва илмий аҳамиятга эга. Муаллифлар Ўзбекистоннинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш методикасини ёритиб бериш учун махсус вазифа қўймадилар, шу боис бу монографик асарларда бизни қизиқтирган масалага урғу берилмаган ва тақдим этилган ягона маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Хорижий тилларни ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг психологик ва педагогик асослари, замонавий дидактик тамойиллари, машқлар ва технологиялари хориж олимларидан Graham Stanley, Aisha Walker, Harmer Jeremy, Jack C.Richards, Theodore S.Rodgers, Дж.Павен, W.Hutmacher каби хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган ва хорижий тилларни ўқитишнинг самарали усуллари таълим тизимида татбиқ қилишга оид таклиф ва тавсияларни илгари суришган. Умумтаълим мактабларининг юқори синфларида хорижий тилларни ўқитишнинг муҳим хусусиятлари МДХ давлат олимларидан А.В.Хуторской, Р.П.Мильруд, И.А.Зимняя, М.К.Колкова, Э.И.Попова, Ф.М.Филатова, Л.В.Щерба, К.Е.Дранишникова, О.В.Шунтова, И.Э.Риске, Д.А.Карпов, Ш.С.Атлуханова сингари тадқиқотчиларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Инглиз тилини билиш истаги – давр ва ҳаёт талаби, ҳар бир ёш йигит ва қизлар учун зарурий эҳтиёж. Ўзбекистонда инглиз тилини билиш ёш авлод учун

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон қарори.

жуда муҳим. Ўзбекистон Республикасида инглиз тилини ўқитиш методикаси қанчалик чуқур ўрганилса, ўрганилаётган даврда Ўзбекистоннинг ўзига хос тарихий шароитларда маданий ўзгаришларнинг кенг тарихий тасвирининг қайта тикланиши мумкин бўлади.

Диссертация тақиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиали илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, “Умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш ва ўқитувчиларнинг малакасини оширишга қаратилган таълим технологияларини такомиллаштириш” (2020-2022 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури доирасида амалга оширилган 574099-EPP-1-2016-1-IT-EPPKA2-CBHE-SP рақамли “Олий таълим соҳасида потенциални ривожлантириш йўналишидаги PAWER-худудлараро мобилликни йўлга қўйиш ва бу борада долзарблик, сифат ҳамда тенгликни таъминлаш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимиз умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш ва уни ҳозирги босқичда такомиллаштириш асосларини аниқлаш ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш учун жорий этиш технологияларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитишнинг мажбурий ўқув фани сифатида шаклланиш ва ривожланиш генезисини ёритиш, ривожланиш даврларини аниқлаш ва уларни тавсифлаш;

умумтаълим мактабларида инглиз тили дастури асосидаги дарсликларни таҳлил қилиш ва ўқитишни такомиллаштириш;

Ўзбекистонда илғор инглиз тили ўқитувчиларининг иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш асосида уларни шакл, усул, услуб, восита ва йўлларини белгилаб бериш;

умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумкасбий фанларни ўқитишда биология зоология, ва анатомия фанларидаги луғавий сўзларнинг инглиз тилидаги маъносини билиши ва нутқини шакллантириш;

юқори синф ўқувчиларини касбга йўналтириш асосида қизиқишларини эътиборга олган ҳолда, уларга таянч билимлар (биология, зоология, анатомия) асосида алоҳида гуруҳлар ташкил этган ҳолда инглиз тили бўйича билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё ва Сурхондарё умумтаълим мактабларида ўқувчиларга инглиз тилини ўқитиш усулларини биология, зоология ва анатомия фанлари мисолида такомиллаштириш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, Қашқадарё ва Сурхондарё умумтаълим мактабларида инглиз тили ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг касбий (ветеринария медицинаси, биология, зоология) йўналишларини шакллантириш усул ва воситалари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида инглиз тилини ўқитиш тизими,

тилшунослик, педагогика, психология, англиз тилини ўқитиш методикаси бўйича илмий-услубий адабиётлар, дарсликлар нисбатан танқидий ўрганилди, таҳлил қилиш, педагогик кузатув (аналитик-статистик, суҳбат, сўров, тест), диагностика (сўров, кузатиш, лойиҳалаш), педагогик тажриба ва математик-статистик таҳлил усуллари (статистик маълумотларни қайта ишлаш, натижаларининг график тақдимоти, умумлаштириш ва бошқалар) қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактабларида англиз тилини ўқитишга доир анъанавий тажриба ўқувчиларнинг формал-мантикий фикрлашини ривожлантириш, жамиятнинг ўзгарувчан талабларига мослашувчанлик, англиз тили ўқитувчиларининг назарий-амалий тайёргарлигига юқори талаблар белгиланмаганлиги билан тавсифланувчи ўзгарувчан беқарор динамиклик касб этувчи тизим эканлиги аниқлаштирилган;

умумтаълим мактабларида англиз тилини ўқитишнинг мажбурий ўқув фани сифатида унинг методологиясини такомиллаштириш, ўқувчи – ёшларда англиз тили бўйича билимлари шаклланиши генезиси ва амалиётда уларни қўллай олишқўникма ва малакаларининг ривожлантирилиши очиб берилиб, ўқувчилар ёш хусусиятлари бўйича босқичма-босқич ривожлантириб бориш даврлари аниқланган;

умумтаълим мактабларида англиз тилини миллий хунармандчилик, биология, зоология ва анатомия фанларига доир луғавий сўзлар, атамаларни таржима қилиш ва аралаш метод орқали ўзлаштириш жараёнларининг акмелингвистик элементлар билан алоқадорлигининг эмпириклик даражасини белгилаш асосида такомиллаштирилган;

умумтаълим мактабларида англиз тилини ўқитиш бўйича яратилган ўқув мультимедиа материалларидан фойдаланиб, ветеринарияга оид терминологик луғатни ўрганишнинг лингвистик жиҳатларини, янги хорижий тиллар маданиятини ўрганиш методикаси ва онлайн таълимни ташкил этишнинг алоҳида тамойиллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактабларида англиз тилини ўқитишда олимларнинг илмий-маънавий меросларидан фойдаланиб, анатомия фанига оид вертуал лаборатория шаклида ҳайвонлар скелети ва уларнинг мускули, тери қопламаси, тери ҳосилаларини англиз тилида тушунтириш имкони яратилган ва ўрганилган;

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари иқтисодий географик жойлашувини эътиборга олган ҳолда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумкасбий фанларни ўқитишда ветеринария медицинаси ва бошқа биология фанларини ўқитишда англиз тилини луғатлар таҳлилини ўргатиш асосида уларнинг билимларини шакллантириш усуллари ишлаб чиқилган.

умумтаълим мактабларида англиз тилини ўқитиш жараёнида “Педагогика тарихи”ни ўрганишнинг илмий-амалий тамойилларини ветеринария соҳасида амалда қўллаш ишлаб чиқилган;

англиз тилини ўрганиш методикаси асосида умумтаълим мактаблари ўқувчиларини касбга (ветеринария медицинасида биология, зоология, анатомия фанлари) йўналтириш бўйича янги таълим шаклини такомиллаштириш бўйича онлайн ва офлайн ўрганиш методикаси ҳамда мазкур технология орқали билиш,

тушуниш ва қўллаш каби интерфаол таълим технологияларига асосланган усуллар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Асосий методологик ва умумдидактик кузатишларга асосланганлиги, унда қўлланилган ёндашув, усул ва услублар ҳамда назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, педагогик тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги, математик-статистик методлар воситасида асослантилган тадқиқот мақсади ва вазифаларининг мослиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш усуллари таҳлил қилиниб, инглиз тилини ўқитишни такомиллаштириш учун дидактик, психологик-педагогик ва методик онлайн таълим тамойиллари белгилаб берилган. Бу усуллар асосида мавжуд технологияларни танлаш ва рецептив, репродуктив, продуктив машқларни ишлаб чиқиш, илмий асосланган тавсияларга мувофиқ инглиз тилини ўқитишнинг самарали усул ва услубларини такомиллаштириш билан боғлиқ.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларидан умумтаълим мактабларида инглиз тили услубларини ўрганиш сифати ва самарадорлигини аниқлашда педагогик кадрларни ҳаётга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнида мутахассислик бўйича ўқув – методик мажмуалар яратиш, халқаро баҳолаш тизимлари топшириқларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкинлиги ҳамда инглиз тилини ўқитишнинг самарали шакл ва услубларини такомиллаштириш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўргатишда психолог-педагог олимларнинг илмий-маънавий меросларидан фойдаланган ҳолда, тарбияни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий, методик натижалар асосида:

Ўқувчиларнинг лингвистик (нутқий, тил), дискурс (оғзаки ва ёзма матн), социолингвистик ва инглиз тилини ўқитиш методикаси компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий-тарихий асосланган назариялардан, умумлаштирилган хорижлик олимлар тажрибалари натижаларидан Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида 2015-2017 йилларда амалга оширилган, ПЗ-2014-0910185149 – сон “Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари” мавзусидаги амалий лойиҳага сингдирилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 9 январь 2020 йилдаги №89-03126- сон маълумотномаси). Натижада, инглиз тилини ўқитиш методикаси, она тили ва адабиёт фанлари мисолида ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳаларини тажриба-синовдан ўтказиш жараёни учун назарий, умумлаштирилган ва методик материаллар тайёрлашга хизмат қилган;

9-11-синфларда инглиз тилини ўқитишга мўлжалланган ўқув-методик

мажмуаларининг таҳлилий материалларидан ҳамда 9-11-синфларда инглиз тилини коммуникатив тарзда ўқитишга ёрдамчи (Communicative English) “С SHARP” дастур мультимедиа ўқув ресурс материалларидан Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида 2015-2016 йилларда бажарилган “Инглиз тилини ўқитишнинг самарали методикасини яратиш ва жорий этиш” мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 9 январь 2020 йилдаги №89-03126-сон маълумотномаси); Натижада, 9-11-синфларда инглиз тилини ўқитишнинг самарали методикаси яратилган ҳамда мультимедиа ўқув - ресурс манбаси такомиллаштирилган;

инглиз тилини ўқитиш методикасининг психолог-педагог олимларнинг илмий-маънавий меросидан фойдаланиб, уларнинг ахлоқий компетенцияларини ривожлантириш усулларини халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги 7-, 15-; Сариосиё туманидаги 13-; Денов шаҳридаги 19-; Термиз туманидаги 16-, 4-; Шўрчи тумани 4-; Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳридаги 8-; Китоб туманидаги 14-; Чироқчи туманидаги 6-; Шахрисабз туманидаги 26-; Қамаш туманидаги 17-; Яккабоғ туманидаги 22-умумтаълим мактаблари амалиётга татбиқ қилинган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 январдаги №89-03126-сон маълумотномаси). Натижада, умумтаълим мактабларида инглиз тилини замонавий талаблар асосида махсус амалий ёрдамчи манба билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 4 та республика илмий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, 5 та ўқув – услубий қўлланма, 11 та халқаро илмий нашрларда, республика конференцияларда 4 та тезис материаллари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, саккиз параграф, ҳар бир боб бўйича қисқача хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган. Диссертациянинг **“Умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш усулларини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида тадқиқот муаммосига доир илмий-назарий адабиётларнинг қиёсий таҳлили

асосида, бошқа халқлар билан мулоқот қилиш мақсадида хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш қадим замонларга бориб тақалганлиги ҳақида фикр юритилган. Бу масалада инглиз тилини ўрганиш ҳақидаги дастлабки маълумотлар Юнонистон билан савдо, сиёсий ва маданий алоқаларга эга бўлган қадимги Мисрга тегишлилиги, асосан, қадимги дунёнинг нуфузли гуруҳлари, мулкдорлари томонидан тилга олинган бўлиб, улар бошқа халқлар маданияти билан яқиндан танишишни мақсад қилганликлари баён этилган.

Ўзбекистонда инглиз тилини ўқитиш методикаси узок тараққиёт йўлини босиб ўтган бўлиб, унда 1920 йилдан 1991 йилгача (Ўзбекистон Республикаси мустақиллигигача) шахс инсонпарварлигини тарбияловчи фаолият ҳақида сўз юритилган. Собиқ Шўролар даврида хорижга борадиганлар Англия мамлакатида фан ва техникани ўрганиши керак эди ва бу ёшлардан илмий-техник маълумотларни ўрганиш учун ходимлардан инглиз тилини билишни талаб этарди. Бу нафақат инглиз тилини, балки унинг методикасини ҳам билишни тақозо қилар эди. Ўзбекистонда таълим тили сифатида рус тили билан умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш усуллари ўзлаштириш учун тегишли шарт-шароитлар яратилмади. Рус тили кўрсатмали мактабларда фаолият кўрсатаётган инглиз тили ўқитувчилари орасида кўпинча самарали ўқитиш услубларини танлашга тўсқинлик қилувчи методик проекциялар пайдо бўлди, умумпедагогик методни излаб топиш, бу эса инглиз тилини ўқитишга салбий таъсир кўрсатди.

XX асрнинг 30-60-йилларида Ўзбекистондаги барча мактабларда инглиз тилининг ўқитилишини жорий этишдаги асосий қийинчилик инглиз тили ўқитувчиларининг етишмаслиги билан боғлиқ эди.

1948-1949 ўқув йилларда мамлакатимиз атиги 607 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатган, жумладан: немис тилидан 541 нафар, инглиз тилидан 49 нафар ва француз тилидан 14 нафар. 1952/53 ўқув йилида хорижий тиллар ўқитувчилари сони 1,023 нафар кишига, жумладан, немис тилидан 704 нафар, инглиз тилидан-218 нафар, француз тилидан- 86 нафар, испан тилидан эса 15 нафар кишига кўпайди. Бироқ ҳали ўқитувчилар етарли эмас эди, шу боис учун ҳам Ўзбекистоннинг барча мактабларида хорижий тилларни ўқитишни жорий этиш мумкин эмас эди. Кўплаб қишлоқ умумтаълим мактабларида инглиз тилини умуман ўқитишмаган. Айтиш кифояки, 1947-1948 ўқув йилида 2,602 нафар ўрта ва етти йиллик мактаблардан фақат 761 нафар мактабда 24%, 1952/53 ўқув йилида эса 3,306 та етти йиллик мактаблардан 1,120 нафар ўрта мактабларда 33,9% инглиз тили ўқитилган. Таъкидлаш жоизки, Тошкентда 1952-1953 ўқув йилида барча 80 та ўрта ва 37 та етти йиллик мактабларда хорижий тиллар ўқитилган. Бироқ, умуман, жорий ўқув йилида мамлакатимиздаги 180 та ўрта ва 2003 йил ўн йиллик мактабларда хорижий тиллар ўқитилмади. Булар, асосан чекка қишлоқ жойларда жойлашган мактаблар.

Сурхондарё вилоятининг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан фарқли ўлароқ, у ҳам иқтисодий, ҳам маданий тараққиётда қолоқ ҳудудлардан бири бўлган, аҳолининг саводсизлиги деярли тўлиқ ва етарли бўлмаган, ўқитувчилар ва умуман, саводли кишилар кам бўлган, мактаблар учун бино етарли бўлмаган.

Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда Сурхондарё ва

Қашқадарё вилоятларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишда катта қийинчиликлар бошдан кечирилди: ўқув таъминоти етарли эмас эди. Ана шу қийинчиликлар туфайли айрим фанлар, жумладан, инглиз тили етти ёшдан умумтаълим мактабларида ўқитилмади. Бундан ташқари, Сурхондарёнинг ўзига хос шарт-шароитлари мажбурий бошланғич таълимни амалга ошириш, саводсизликни бартараф этиш, янги мактаб биноларини қуриш, мактаб ўқитувчиларини таъминлаш каби масалаларни ҳал этишни тақозо қилди.

Ўқитувчиларни, айниқса, инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш нафақат Сурхондарё–Қашқадарё вилоятларида, балки бутун мамлакатнинг биринчи муаммосига айланди. Ўрта мактабларда инглиз тили ўқитишни кенгайтириш мақсадида, Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги, 1950 йилдан бошлаб, мамлакат олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш учун ўқитувчилари тайёрлаш бўйича катта ташкилий ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитишнинг асосий мақсади мослашмаган бадиий ва ижтимоий-сиёсий адабиётларни ўқиш кўникмасини кучайтириш бўлгани учун машғулотлар мазмуни бу тилнинг деярли барча грамматик материални ва дастлаб белгиланган мақсадларга мос келадиган 3500-4000 сўзни ўз ичига олган, аммо ўша даврда мавжуд бўлган шароитларда ўқувчилар томонидан ўзлаштирилмас эди. Бундан ташқари, ўқув жараёнини назариялашга бўлган умумий мойиллик таълим мазмуни она тили курсидан ўқувчиларга маълум бўлган муддаони ўз ичига олишига олиб келди, яъни 1954 йилги ўқув дастурига мувофиқ ўқитувчилардан ўқувчиларга, масалан, педагогик мақсадини тушунтириш талаб қилинди.

Ўзбекистон ҳукумати ва моориф вазирлиги томонидан 1970-1971 ўқув йилига келиб, педагогика институтларида чет тили факультетларини очиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли умумтаълим мактаблари учун хорижий тил ўқитувчиларини тайёрлаш муаммоси ҳал этилди, чет тиллар, жумладан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги мактаблар учун ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш учун тегишли шароитлар яратилди.

Мамлакатимиз умумтаълим мактабларида инглиз тили ўқитишни такомиллаштириш мақсадида Сурхондарё вилояти мактабларида 25 нафар ўқувчига эга бўлган синф икки кичик гуруҳга ажратилиб, 10-11-синфларда кечки умумтаълим мактабларида ихтиёрий инглиз тили дарслари учун кўшимча икки соат ажратилди. XX асрнинг 80-йилларда Сурхондарё–Қашқадарё мактабларида ўқитишнинг техника воситалари (ЎТВ) (1-2-жадваллар) мавжуд бўлган.

ЎТВдан фойдаланиш тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, ўқув техникасидан фойдаланишнинг педагогик самараси асосан ўқитувчига, унинг педагогик маҳоратига, ЎТВдан фойдаланишга ижодий ёндашишига, унинг ЎТВни бошқаришдаги қобилияти, маҳорати, билимига боғлиқ.

Диссертациянинг “Ўзбекистоннинг умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш методикаси” деб номланган иккинчи бобида Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги 7-, 15-; Сариосиё туманидаги 13-; Денов

шаҳридаги 19-; Термиз туманидаги 16-, 4-; Шўрчи туманидаги 4-; Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳридаги 8-; Китоб туманидаги 14-; Чирокчи туманидаги 6-; Шаҳрисабз туманидаги 26-; 17-; Яккабоғ туманидаги 22-умумтаълим мактабларида инглиз тилларни ўқитиш методикаси бўйича бир неча ўқитиш жараёни ўрганилди.

Сурхондарё вилоятининг умумтаълим мактабларида ўқув-техник воситалари

1-жадвал

Т/р	Ўқув-техник воситалар номи	жами (дона)
1.	Лингафон хонаси	488
2.	Радиоузел	44
3.	Компьютер «Нанотеч»	94
4.	Кодоскоп	438
5.	Телевизор	306
6.	Магнитофонлар	223

Қашқадарё вилоятининг умумтаълим мактабларида ўқув-техник воситалари

2-жадвал

Т/р	Ўқув-техник воситалар номи	Жами (дона)
1.	Лингафон хонаси	200
2.	Радиоузел	240
3.	Компьютер «Нанотеч»”	645
4.	Кодоскоп	326
5.	Телевизор	200
6.	Магнитофонлар	120

Ушбу ҳудудларда хорижий тилларга мослаштирилган хоналар ташкил этилиб, илғор ўқитувчилар мактаб ўқувчилари учун дастурда кўзда тутилган тайёргарлик даражасига эришмоқда, аммо афсуски, улар кўпчиликни ташкил этмайди. Биз юқоридаги муаммоларнинг энг долзарбларини куйидагича ҳисоблаймиз: умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш мазмунининг таркибий қисмларини асослаш; ўқув мақсадлари инглиз тилини амалий билишга, акс тушунчаларни олдиндан аниқлаштириш билан конкретлаштириш.

Ҳозирги кунда ўқитиш мазмунини асослаш зарурати билан бирга, бу муаммони янгича, замонавий илмий даражада кўриб чиқиш имконияти ҳам мавжуд. Аввало, бу таълим мазмунининг таркибий қисмларини ажратиш билан боғлиқ. Инглиз тилини ўқитиш методикасида бу фанни ўқитиш мазмунини нималар ташкил этиши ҳақида концепция мавжуд эмаслигини кўрамиз. Дидактикада таълим мазмуни муаммолари, асосан, умумтаълим мактаблари умумтаълим фанлари асосларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилди. Инглиз тили ўқув предмети, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим мазмунининг умумий тизимида ўз ифодасини топмаган.

Инглиз тилини ўргатишда энг асосийси режалаштирилган натижага эришиш-коммуникатив ва нутқ малакаларини инглиз тили воситаларининг чекланган


минимуми асосида эгаллаш. Таълим жараёнининг захиралари мақсадларни янада аниқлаштириш ва конкретлаштиришда, таълим мазмунини мустаҳкамлашда ҳам, ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш шаклларида ҳам ётади, улар орасида асосий ва ҳал қилувчи дарс ва мактабдан ташқари уй ишлари билан боғлиқ.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари қатор умумтаълим мактабларида ўқитишнинг коммуникатив йўналишини амалга ошириш мазмуни - моҳияти ва усуллари яқин-яқингача ўқув қўлланмалари тизимида, методик тавсияларда атрофлича очиб берилмаган. Инглиз тили дарсларининг мавжуд стереотипини бузишга, дарсни янги, ижодий шакл ва ишлаш йўллари билан бойитишга йўл қўймайдиган “ўқитувчи учун китоб”, мавжуд дарсликлар туфайли ўқув жараёни қурилишини ҳали ҳам тартибга солиш мавжуд.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва уни ўтказиш” деб номланган учинчи бобида** Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг бир қатор умумтаълим мактабларида ўтказилган тажриба-синов ишларини батафсил ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Мактаб ислоҳоти вазибаларини амалга ошириш энг асосийси, уни такомиллаштиришга имкун берувчи таълим жараёнининг захираларига эътибор қаратишни талаб қилади.

Биз юқоридаги муаммоларнинг долзарблигини қуйидагича ҳисоблаймиз: умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитишда ветеринария медицинаси соҳасига боғлаган ҳолда тегишли фанлар (биология, зоология, анатомия)нинг ўқувчиларга мазмуни ва мақсадини инглиз тилида амалий жиҳатдан мукамал ўргатиш кўникма ва малакаларини шакллантириш лозим.

Ҳозирги кунда ўқитиш мазмунини асослаш зарурати билан бирга, бу муаммони янгича, замонавий илмий даражада кўриб чиқиш имконияти ҳам мавжуд. Аввало, бу таълим мазмунининг таркибий қисмларини ажратиш билан боғлиқ. Инглиз тилини ўқитиш тарихи методикасида бу фанни ўқитиш мазмунини нималар ташкил этиши ҳақида концепция мавжуд эмаслигини кўрамиз. Дидактикада таълим мазмуни муаммолари, асосан, умумтаълим мактаблари фанлар асосларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилди. Инглиз тили каби ўқув предмети асосан, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим мазмунининг умумий тизимида ўз ифодасини топмаган. Маълумки, таълим жараёнининг такомиллашиши бевосита технологик жараёнлар ва инновацион методлардан самарали фойдаланишига ҳам боғлиқ.



1- расм Умумтаълим мактабларида техник воситалар, инновацион технологиялардан фойдалиш диаграммаси:

1-расмда инглиз тили ўқитилишини такомиллаштириш босқичлари 1991-2020 йиллар оралиғида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг қишлоқ ва шаҳар жойиларидаги умумтаълим мактабларидаги техник воситалар, инновацион технологиялардан фойдаланганлиги 1-расмдаги диаграммада % ларда ўз аксини топган.

Кўзатув натижалари кўрсатдики, 1991 йилда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг қишлоқ жойларидаги умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш самарадорлигини оширишга бўлган талаб атиги 1,1% ни ташкил қилди. Шу йили шаҳар жойлардаги мактабларда эса 2,1% ни ташкил қилган. 2000 йилда бу кўрсаткич қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида 1,5 % га, шаҳар жойлардаги умумтаълим мактабларида эса 2,3% га ошган.

2010 йилга келиб Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги қишлоқ ва шаҳар жойдаги умумтаълим мактаблари инглиз тилини ўқитиш самарадорлиги инглиз тилига бўлган талаб ва имкониятлар деярли бир хил. Лекин 2020 йилда кескин ўзгариш бўлган, хусусан, қишлоқ жойлардаги мактабларда 7,1% шаҳар мактабларида эса 9,1% ни ташкил қилган.

Ҳозирги кунда таълим мазмуни муаммосини кўриб чиқишга янгича ёндашув дидактик тадқиқот ишларида белгилаб берилган бўлиб, бу инглиз тилини ўқитиш мазмунининг тузилишини илмий асослаш имконини беради. Уни ўтказишни тўғри ташкил қилиш учун бу тажриба қандай элементлардан иборат эканлигини аниқлаб олиш керак.

Таҳлил натижаси кўрсатдики, энг муҳим чеклов махсус ўтказилган тадқиқот ишлари натижасида олинган мезонлар асосида тўпланган тил материалига тааллуқли. Материал танлашга замонавий ёндашув лексик ва грамматик материал ўртасида, умуман, тил материали билан ундан фойдаланиш лозим бўлган нутқий вазиятлар ўртасида боғланишларни ўрнатишда ифодаланади.

Таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришлар умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш соҳасига ҳам таъсир кўрсатди. Ушбу мавзунинг амалий аҳамиятини ошириш, уни ривожлантиришга янгича ёндашувни талаб этади. Инглиз тили умумий таълимнинг энг муҳим предмети бўлиб келган. Бироқ тадқиқот ишимиздан кўриниб турибдики, унинг тарбияловчи ва ривожлантирувчи захиралари ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Устун ғоялар: инглиз тилида ўқувчи кўпроқ хорижий давлатлар умуминсоний кадриятларни, ватанпарварлик, байналминаллик, ахлоқий фазилатлар ҳамда касбий маълумотларга эга бўлиши, сўзлашув нутқ тажрибасини ошириши, фанлардан (биология, зоология ва анатомия) луғавий сўзларнинг маъносини билиши, мулоқот жараёнида касбий сўзларни ўз ўрнида ишлатишни ўрганади. Бундан ташқари, дунёвий билимлари, кўникмаларини шакллантиришига ёрдам беради.

Тадқиқот ишимиз кўрсатдики, бу соҳалар ушбу ўқув предметининг таълимни ривожлантирувчи имкониятларини қўлдан чиқармайди. Бунинг сабаби шундаки, фаол таълим нофаол таълим ўрнига амалга оширилади, таълим информацион ривожланишга олиб келади. Тажриба-синов ишларини ўрганиш инглиз тили орқали ўқувчиларнинг билимини оширишда ва ақлий фаолиятини ривожлантиришнинг куйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

- ўқувчилар объект эмас, балки ўқув фаолиятининг субъектига, яъни дунёвий билимлар, турли маълумотларни қабул қилувчи, фаол тингловчи, олган маълумотларини ўзлаштирувчи, билим, кўникма ва малакаларини шакллантира оладиган амалий бажарувчи шахслар;

- ўқувчилар улғайган сари мустақил равишда ўзларини қизиқтирган фанларини ўзлаштирадилар ва ушбу фанлар асосида касбий қобилиятини шакллантирадилар;

- ўқитувчи билан ўқувчи ўзаро ҳамкорликда дарсларни амалга оширади;

- ўқувчилар аниқ шахсий мазмунга эга бўлган ўқув топшириқларини бажарадилар;

- ўқитувчи томонидан берилган вазифалар ўқувчини мустақил фикрлашга ва топшириқни ўзи бажариш учун масъулиятини оширади;

- ўқув фаолияти жараёнида ўқувчида инглиз тили фанига қизиқиши ортади ва билим олишга ҳиссиёти уйғонади.

Ушбу тадқиқот иши бизнинг умумтаълим мактаблари ўқув дастурининг предмети сифатида хорижий тиллар ўқувчи-шахснинг ҳар томонлама ривожланишида самарали омил бўлиши мумкинлигига ишонтиради. Бироқ бу мавзу бўйича ўқув-тарбиявий ишларнинг психологик жиҳатдан етарли усуллар инглиз тилини билиш бошқа мамлакатлар билан алоқаларнинг маданий ва илмий кадриятлари билан таништиради, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларни шакллантиради. Давлатимизнинг халқаро алоқалари тобора кенгайиб, мустақамланиб бораётган ҳозирги даврда хорижий тилларни ўқитиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шундай қилиб, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва услубий ишлар умумтаълим мактабларида хорижий тилларга ўргатиш ўқув жараёнини такомиллаштириш, ўқитиш сифатига ижобий таъсир кўрсатди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда инглиз тили ўқитишни такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар

ўрганилди. Янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди, инглиз тилини ўрганувчиларга ёрдам бериш учун дидактик ва тарқатма материаллар кўп миқдорда таҳлил қилинди.

Тадқиқот ишимизда 1920 йилдан 1990 йилгача олий таълимгача бўлган таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида инглиз тили ўқитилиш тарихининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатган Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг ўзига хос хусусиятлари баён этилди. Тадқиқот ишида хорижий тиллар методикасига оид айрим психологик ва умумий педагогик масалалар, бу жараёнда ўқитувчининг ўрни ва роли, индивидуал ёндашувни ташкил этишда, ўқувчининг ривожланиш даражасини баҳолашда иш тизимини куриш билан ёритилади.

Педагогик тажриба-синов ўтказиш даврида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш ва уни такомиллаштиришга оид материалларни ўқувчиларга ўргатиш усуллари дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда синаб кўрилди. Тадқиқот ишимизда ижобий натижалар берган усулларнинг самарали жиҳатлари ўрганилди.

Таъкидловчи тажриба-синов ишлари натижалардан маълум бўлдики, ўқитувчилар инглиз тилини ўқитиш услубларидан тўлақонли маълумотларга эга эмасликлари сабабли берилган саволларга тўлиқ жавоб бера олмадилар. Жавоб беришга ҳаракат қилган ўқитувчиларнинг кўпчилиги инглиз тилини ўқитиш қобилиятини тўғри талқин этиш имкониятига эга эмаслар, шу боис улар инглиз тилини ўқитиш методикасига қаратилган фаолиятини етарлича баён эта олмадилар.

